

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУЛЛАЕВ ЗАФАРЖОН АЛИЖОНОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ**  
**МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract**

**Абдуллаев Зафаржон Алижонович**

Тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш методологиясини  
такомиллаштириш.....3

**Абдуллаев Зафаржон Алижонович**

Совершенствование методологии налогообложения деятельности  
коммерческих банков.....31

**Abdullaev Zafarjon Alijonovich**

Improving the methodology of taxation of the activities of commercial  
banks.....59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....64

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУЛЛАЕВ ЗАФАРЖОН АЛИЖОНОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ  
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Iqt233 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк–молия академиясида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Тошматов Шухрат Амонович</b> иктисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Жўраев Абдуғаффор Сафарович</b> иктисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Ташмурадова Бувсара Эгамовна</b> иктисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Исламкулов Алимназар Худжамуратович</b> иктисодиёт фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти</b>

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» 08 куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz)

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (201 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «12» 08 куни тарқатилди.  
(2021 йил «12» 08 даги 29 рақамли реестр баённомаси).



**Т.З.Тешабаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

*У. Нург* - **Н.Н.Калаидарова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

*С. Нург* **И.Н.Кўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш ва инвестицион фаоллигини оширишда солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда банклар фаолиятини солиққа тортишни оптималлаштириш ҳамда макропруденциал сиёсатни амалга оширишда тартибга солиш ва солиққа тортишни мувофиқлаштириш талаб этилади. Жумладан, ривожланган ҳамда ривожланаётган аксарият мамлакатлар, хусусан, Европа Иттифоқи давлатларида, Буюк Британия, Япония, Сингапур, Хитой, Россия ва бошқа бир қатор давлатларда корпоратив солиқ тизимидаги ҳаддан зиёд ортиқча қарзли молиялаштиришни камайтириш ҳамда қарз фоизлари бўйича солиқ чегирмаларининг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар қўлланиб келинмоқда. «Бинобарин, солиқлар кредитлар таклифини сақлаб қолган ҳолда банкларнинг қарз капиталини камайтириш бўйича капиталга қўйилган талаблар учун қўшимча инструмент бўлиши мумкин»<sup>1</sup>. Ривожланган мамлакатларда солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришда банк секторини макропруденциал тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон амалиётида глобал халқаро молия институтлари, илмий тадқиқот марказлари ва ривожланган мамлакатларда тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни оптималлаштириш, солиқлар воситасида тартибга солиш борасида кўплаб илмий изланишлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур илмий тадқиқот ишларида корпоратив солиқ тизимидаги хусусий капитал ва қарзли молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминациясини камайтиришда корпоратив хусусий капитал учун тўловларга солиқ чегирмалари назарда тутилган тизимни жорий этиш, тижорат банклари фаолиятига солиқларнинг таъсирини эмпирик баҳолаш, банк секторидаги тизимли рискларни пасайтиришга қаратилган макропруденциал тартибга солишни фискал инструментлар билан тўлдириш, солиққа тортишнинг банкларга макроиктисодий таъсирининг таҳлили, истиқболда риск, трансакциялар ва маржага асосланган солиқлар схемаларининг жорий қилиниши билан боғлиқ муаммолар тўлиқ ижобий ечимини топмаганлиги сабабли, мазкур йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистонда солиқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солиқ юкини изчил камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисоботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чоратадбирларни амалга оширишга қаратилган. Хусусан, «2020 йилдан бошлаб, ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу

---

<sup>1</sup>Celierier Claire, Thomas Kick, Steven Ongena (2018). Taxing Bank Leverage: The Effects on Bank Capital Structure, Credit Supply and Risk-Taking. <https://pdfs.semanticscholar.org>.

борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади»<sup>2</sup>. Ушбу ислохотларнинг тўлақонли амалга оширилишида тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни оптималлаштириш ва солиқлар воситасида тартибга солиш масалалари долзарб ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш методологиясини такомиллаштириш, хусусан, солиқ солишдаги мавжуд номутаносибликларни камайтириш ва макропруденциал сиёсатни амалга оширишда солиқ инструментларидан фойдаланишдаги мавжуд муаммолар кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Шу сабабдан, тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни оптималлаштириш ҳамда солиқлар воситасида тартибга солишни мувофиқлаштириш устувор вазифалар сифатида белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида», 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сон «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 31 майдаги ПҚ-3756-сон «Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>.

<sup>3</sup>IMF (2010). A Fair and Substantial Contribution by the Financial Sector. Final Report for the G-20. <https://www.imf.org>.; World Bank (1999). Determinants of commercial bank interest margins and profitability:some international evidence.13, 379-408.; OECD. (2013). Revenue statistics <https://b-ok.global>.; FSB (2014). Adequacy of loss-Absorbing capacity of global systemically important banks in resolution. Accessed via [www.financialstabilityboard.org](http://www.financialstabilityboard.org).; EC (2010). Financial sector taxation. Taxation Papers, 25, Brussels: Directorate General Taxation and Customs Union, European Commission.; EEAG (2011). «Taxation and Regulation of the Financial Sector», The EEAG Report on the European Economy, CESifo, Munich.;PWC (2006). Economic effects of the VAT exemption for financial and insurance services, Report to the European Commission,Tax Reform on Thin Capitalization Rule. Gets Vol. 30.P.1.;CEPR (2017). "The effects of tax on bank liability structure," Discussion

Тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассасалари ва халқаро молия ташкилотлари, жумладан, International Monetary Fund (IMF), World bank, OECD, Financial Stability Board (FSB), European Commission (EC), European Economic Advisory Group (EEAG), PricewaterhouseCoopers (PwC), Center for Economic and Policy Research (CEPR) Parliamentary Commissioner for Standards (PCBS), National Bureau of Economic Research (NBER), Unitat de Fonaments de l'Anàlisi Econòmica (UAB), Institut d'Anàlisi Econòmica (CSIC), CEPR research center, HM Treasury (Буюк Британия), Centre d'Economie de la Sorbonne (Франция), Princeton University (АҚШ), Oxford University (Буюк Британия), Research and Monetary Policy Department (Туркия) томонидан амалга оширилмоқда.

Тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш ва солиқлар воситасида тартибга солиш бўйича олиб борилган изланишлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган, жумладан: капиталдан фойдага оптимал солиқ солиш, банкларни солиққа тортишнинг назариялари асослаб берилган (EC, UAB, CSIC, NBER, Oxford University); банклар фаолиятини макропруденциал тартибга солишда солиқ инструментларидан фойдаланиш ва қўшимча солиқ тушумларини таъминлаш мақсадида молиявий солиқлар жорий қилинган (IMF, EC, FSB, CEPR, PCBS, CES, EEAG, ECGI, HM Treasury, Princeton University); банклар тўлайдиган фойда солиғи юқининг асосий қисмини мижозлар зиммасига ўтказишлари ва молиявий хизматлар баҳосининг ўсишига олиб келиши аниқланган (CEPR, CEPR, World Bank, Oxford University, CESifo); молиявий хизматларни ҚҚСдан озод қилинишидан юзага келадиган банк секторида ўз эҳтиёжини таъминлашга қарамлик, истеъмол ҳамда кирим қилишдаги бузилишлар ва солиқ каскади каби номутаносибликлар баҳоланган (World bank, EC, PwC, Oxford University, Research and Monetary Policy Department); корпоратив солиқ тизимидаги қарзли молиялаштириш бўйича солиқ дикриминациясини баратараф этиш мақсадида капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар ишлаб чиқилган (IMF, EC, PwC, Oxford University).

Жаҳонда тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш бўйича бир қатор назарий ва эмпирик изланишлар, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга шакллантириладиган резервларга корпоратив фойда солиғи таъсирини

---

Papers.; PCBS. (2013). Changing banks for good. Technical report. London: Parliamentary Commission on Banking Standards.; NBER(2007). Optimal Capital Income Taxation. Working Paper./www.nber.org.; UFAE and IAE (2002). "Taxation of banks: A theoretical framework," Working Papers.; CEPR research center (2013). "The Ability of Banks to Shift Corporate Income Taxes to Customers Working Papers.;" HM Treasury. (2014). A bank levy banding approach: consultation. <https://assets.publishing.service.gov.uk>.; CESifo Group (2008). Taxes and the efficiency costs of capital distortions. Working Paper Series 2431; CES (2013). The impact of the French securities transaction tax on market liquidity and volatility. Working Paper.; Princeton University (2013). The bankers' new clothes - What's wrong with banking and what to do about it. Princeton: Press.; Oxford University (2008). "Thin Capitalization Rules in the Context of the CCCTB," Working Papers 0804.; Research and Monetary Policy Department (2018). "VAT Treatment of the Financial Services: Implications for the Real Economy," Working Papers 1815.

ўрганиш; банк йиғимларининг банк леверажини камайтиришга самарали таъсирининг таҳлили; корпоратив хусусий капиталга солиқ чегирмасини банк капитали структурасига таъсирини баҳолаш; молиявий хизматларни ҚҚСдан озод қилинишининг реал иқтисодиётга таъсирини баҳолаш; солиқларнинг банклар ҳулқ–атворларига таъсирини ўрганиш; банк секторини солиққа тортишда риск, трансакциялар ва маржага асосланган солиқлар схемаларини жорий қилиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Банклар фаолиятини солиққа тортишни оптималлаштиришнинг назарий асослари, солиқларнинг банклар фаолиятига таъсирини эмпирик баҳолаш ва банклар фаолиятини макропруденциал сиёсатни амалга оширишда солиқлар воситасида тартибга солиш масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар Chamley, Atkeson, Chari, Kehoe, Boadway, Keen, Caminal, Huizinga, Gawehn, Schepens, de Mooij, Milonas, Kogler, Albertazzi, Gambacorta, Chiorazzo, Milani, Demirgüç-Kunt, Cardoso, Chaudhry, Mullineuxb, Agarwal, Coulter, Mayer, Vickers, Andries, Gallemore, Jacob, Chronopoulos, Sobiech ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган<sup>4</sup>.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Ш. Тошматов, Р. Қурбонов, О. Камолов, Г. Бабаева, И. Сайфиддинов, М. Саъдуллаева, З. Курбанов, А. Рахимджанов ва бошқаларнинг илмий ишларида тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари қисман ўрганилган<sup>5</sup>.

---

<sup>4</sup>Chamley C. (1986). «Optimal Taxation of Capital Income in General Equilibrium with Infinite Lives», *Econometrica*, 54, 607-22.; Atkeson A., Chari V.V. and Kehoe P.J. (1999). «Taxing Capital Income: A Bad Idea», *Federal Reserve Bank of Minneapolis Quarterly Review*, 23, 3-17.; 13.Boadway R. and Keen M. (2003). *Theoretical Perspectives on the Taxation of Capital Income and Financial Services. Taxation of Financial Intermediation: Theory and Practice for Emerging Economies*. 443p.; Caminal R. (2002). "Taxation of banks: A theoretical framework," UFAE and IAE Working Papers 525.02, Unitat de Fonaments de l'Anàlisi Econòmica (UAB) and Institut d'Anàlisi Econòmica (CSIC).;Huizinga H. (2004). The taxation of banking in an integrating Europe. *International Tax and Public Finance*.551-586.; Gawehn V.(2020). *Banks and Corporate Income Taxation: A Review*. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3498843>.; Schepens G. (2016). Taxes and bank capital structure. *Journal of Financial Economics*, 120(3), 585–600.; de Mooij R. A. & Keen M. (2016). Debt, taxes, and banks. *Journal of Money, Credit and Banking*, 48(1), 5–33.; Milonas K. (2018). "Bank Taxes, Leverage, and Risk," *Journal of Financial Services Research*, Springer;Western Finance Association, vol. 54(2), pages 145-177.; Kogler M. (2019). "Profit Taxation and Bank Risk Taking," *Economics Working Paper Series 1918*, University of St. Gallen, School of Economics and Political Science.; Albertazzi U. & Gambacorta L. (2010). "Bank profitability and taxation," *Journal of Banking & Finance*, Elsevier, vol. 34(11), pp. 2801-2810.; Chiorazzo V. & Milani C. (2011). "The impact of taxation on bank profits: Evidence from EU banks," *Journal of Banking & Finance*, Elsevier, vol. 35(12), pages 3202-3212.; Demirgüç-Kunt A., Huizinga H. (1999). Determinants of commercial bank interest margins and profitability:some international evidence. *World Bank Economic Review* 13, 379-408; Demirgüç-Kunt A., Huizinga H. 2001. The taxation of domestic and foreign banking. *Journal of Public Economics* 79, 429-453.; Cardoso E. (2003). Seigniorage, reserve requirements and bank spreads in Brazil. In: Honohan, P. (Ed.), *Taxation of Financial Intermediation: Theory and Practice for Emerging Economies*. World Bank and Oxford University Press, New York. 262; Chaudhry S.M., Mullineuxb A., Agarwal N., (2015). Balancing the regulation and taxation of banking. *International Review of Financial Analysis* 42 (2015) 38–52.; Coulter B.,Mayer C. & Vickers J. (2013). Taxation and regulation of banks to manage systemic risk. *Finance Working Paper 341/2013*. Oxford: European Corporate Governance Institute (ECGI). <https://ecgi.global/sites>.; Andries K., Gallemore J., Jacob M. (2017). The effect of corporate taxation on bank transparency: Evidence from loan loss provisions *Journal of Accounting and Economics*, volume 63, issue 2-3, p. 307-328.; Chronopoulos D.K. & Sobiech A. L. & Wilson John O.S. (2018) *Future Issues in Bank Taxation*. <https://www.fca.org.uk/publication>.

<sup>5</sup>Тошматов Ш. (2005). Тижорат банкларини солиққа тортишни такомиллаштириш //Бозор, пул ва кредит.–Тошкент. №10–11.; Курбонов Р. (1998). Тижорат банклари даромади (фойдаси)ни солиққа тортиш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.–Т. 20 б.; Камолов О.С.



Санаб ўтилган аксарият иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида тижорат банклари фойдасини солиққа тортишни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари кўриб чиқилган. Бироқ банклар фаолиятини солиққа тортиш методологиясини такомиллаштириш, жумладан, банклар фаолиятига солиқларнинг таъсирини эмпирик баҳолаш, макропруденциал назоратни амалга оширишда солиқлар воситасида тартибга солиш масалалари алоҳида ва яхлит тадқиқот объекти сифатида комплекс тадқиқ қилинмаган. Мазкур ҳолат диссертация ишида тадқиқ қилинган илмий-амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Банк–молия академиясининг «Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк–молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий–тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш методологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари фаолиятини оптимал солиққа тортиш ҳамда солиқлар воситасида макропруденциал тартибга солишнинг назарий ва эмпирик илмий асосларини ўрганиш;

тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишнинг амалдаги ҳолатини кўриб чиқиш ва тижорат банклари фаолиятига солиқларнинг таъсирини эмпирик баҳолаш;

тижорат банкларида кредитлар бўйича йўқотишларга мажбурий резервлар шакллантиришга корпоратив фойда солиғи таъсирини эмпирик таҳлил қилиш;

тижорат банклари фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солишни мувофиқлаштиришдаги ёндашувларни тадқиқ қилиш ва тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш билан боғлиқ истиқболдаги масалаларни ўрганиб чиқиш;

тижорат банклари фаолиятини молиявий солиқлар воситасида тартибга солиш амалиётининг таҳлили ва илғор тажрибаларидан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболларини кўриб чиқиш;

---

(2009). Тижорат банкларини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.–Т.:–20б.; Бабаева Г. (2017). Особенности налогообложения коммерческих банков Узбекистана. Молия илмий журнали. 6\2017. 45–55с.; Sayfiddinov I., Sa'dullayeva M.A. (2020). IMPORTANCE OF INCOME TAXATION OF COMMERCIAL BANKS Journal of Economy and Business, vol. 5-2 (63), 148–150.; Курбанов З.Н., Рахимджанов А.Ш. (2019). Тижорат банклари томонидан тўланадиган фойда солиғининг ўзига хос хусусиятлари. Молия ва банк иши электрон илмий журнали.1-сон. 129-136 б.

тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш методологиясини такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш тизими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш методологиясини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тасвирий статистика, монографик, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил қилиш, статистик гуруҳлаш, эконометрик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қонданнинг жорий қилиниши корпоратив солиқ тизимидаги қарзли молиялаштиришни чеклаш ва қарз фоизи бўйича солиқ чегирмаларининг салбий оқибатини камайтириши асосланган;

ҚҚС моҳиятининг бузилиши ва солиқ юқининг миқдорларга ўтказилишини камайтириш мақсадида, банк соҳасидаги капиталга фойда солиғи солинмаслиги ҳамда кирим қилинган қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) ҳисобга олиш тартибини жорий этиш орқали солиқ харажатлари ва ҳисоботларини қисқартириш асосланган;

муаммоли кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга шакллантириладиган мажбурий резервларни чегириладиган харажатлар таркибига киритиш орқали кредит дефолти юз беришини камайтириш ва молиявий ҳисоботлар шаффофлигини таъминлаш таклиф этилган;

тизимли рискни пасайтириш мақсадида корпоратив хусусий капиталга солиқ имтиёзини қўллаш орқали корпоратив солиқ тизимидаги хусусий капитал ва қарз капитали ўртасидаги солиқ дискриминациясини бартараф этиш, улушли молиялаштириш ҳажми ҳамда капиталлашув даражасини ошириш таклиф этилган;

пуллик хизматларга умумий ўрнатилган ставкада ҚҚСни қўллаш орқали молиявий хизматлар таннархи пасайиши, фойданинг ошиши, «қайтарилмайдиган ҚҚС» муаммосининг ҳал қилиниши ҳамда талабга ижобий таъсир этиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

оптимал солиққа тортиш ва капиталдан даромадга солиқ солиш тўғрисидаги илмий назариялар ҳамда эмпирик таҳлиллар натижасига асосланган ҳолда банк соҳасидаги капиталга ва банклараро операцияларга солиқ солинмаслиги ва фойда солиғи ставкасини пасайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

корпоратив солиқ тизимидаги мавжуд қарзли ва улушли молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминациясини камайтириш мақсадида, капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қонданнинг жорий қилиниши таклиф этилган;

foyda soliғи базасини аниқлашда муаммоли кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга шакллантириладиган мажбурий резервларни чегириладиган харажатлар таркибига киритиш ва мажбурий резервларга солиқ чегирмалари қўлланишида чекловларни ўрнатиш зарурлиги асосланган;

капитал структурасига таъсир этиб, дефолт рискни камайтириш орқали, тизимли рискни пасайтиришда самарали бўлган корпоратив хусусий капиталга солиқ чегирмасини жорий этиш таклиф килинган;

кирим қилинган ҚҚС суммасини (пропорционал ёки мутаносиб усуллардан фойдаланилган ҳолда) тўлиқ ҳисобга олиш, кредитлар бўйича фоизларга ноль даражали ставкада ва банк хизматларига эса стандарт ставкада ҚҚС қўлланилиши асослаб берилган;

тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва солиққа тортишни мувофиқлаштиришда молиявий солиқларни (молиявий фаолиятга солиқ (МФС), молиявий операцияларга солиқ (МОС) ва банк йиғимларини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларидан олинганлиги ва илмий тадқиқот натижаларида фойдаланилганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уларнинг тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш методологиясини такомиллаштириш йўналишларидаги илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда илмий манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш методологиясини такомиллаштиришда оптимал солиқ солиш ва макропруденциал сиёсатни амалга оширишда тартибга солиш ва солиққа тортишни мувофиқлаштиришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қондани жорий қилиш асосида корпоратив солиқ тизимидаги қарзли молиялаштиришни чеклашга ва қарз фоизи бўйича солиқ чегирмаларининг салбий оқибатини камайтириш бўйича таклифи Солиқ кодексининг 317-моддаси 35-банди, 310-модда 1) кичик банди ва шу модданинг 6-қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги

03/03-03-01-32/1119-сон маълумотномаси). Натижада, қарзли ва улушли молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминациясининг камайиши орқали макропруденциал назоратни амалга оширишда тартибга солиш ва солиққа тортишни мувофиқлаштириш, шунингдек, банкларнинг фойдасини ошириш имконияти яратилган;

ҚҚС моҳияти бузилиши ва солиқ юкининг миқдорларга ўтказилишини камайтириш мақсадида банк соҳасидаги капиталга фойда солиғи солинмаслиги ҳамда кирим қилинган қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) ҳисобга олиш тартибини жорий этиш орқали солиқ харажатлари ва ҳисоботларини қисқартириш бўйича таклиф Солиқ кодексининг 20-моддаси 3-қисмида, 299-моддаси 5-қисмида ва кирим қилинган ҚҚСни мутаносиб ҳисобга олиш 268-модданинг 1-4-қисмларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги 03/03-03-01-32/1119-сон маълумотномаси). Натижада, банк ресурслари ва хизматлари қийматининг пасайишига, солиқ ҳисоботлари қисқаришига, ҚҚС моҳиятининг бузилиши ва солиқ юкидаги номуаносибликнинг камайишига эришилган;

муаммоли кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга шакллантириладиган мажбурий резервларни чегириладиган харажатлар таркибига киритиш орқали кредит дефолти юз беришини камайтириш ва молиявий ҳисоботлар шаффофлигини таъминлаш бўйича таклифи Солиқ кодексининг 315-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги 03/03-03-01-32/1119-сон маълумотномаси). Натижада, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар кредит дефолти юз беришини камайтириши, банк тизимининг шаффофлиги ҳамда йўқотишларнинг молиявий ва солиқ мақсадлари учун харажатлар сифатида тан олиниши таъминлаган;

тизимли рискни пасайтириш мақсадида корпоратив хусусий капиталга солиқ имтиёзини қўллаш орқали корпоратив солиқ тизимидаги хусусий капитал ва қарз капитали ўртасидаги солиқ дискриминациясини бартараф этиш, улушли молиялаштириш ҳажми ҳамда капиталлашув даражасини ошириш бўйича таклифи Солиқ кодексининг 304-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 12 январдаги 14/1-01547-сон далолатномаси). Натижада, банкларнинг капитал структурасига таъсир этиб, капиталлашув даражасининг ошиши тизимли рискни пасайтиришга, хусусий капитал орқали молиялаштириш ҳажмининг ўсишига олиб келган;

пуллик хизматларга умумий ўрнатилган ставкада ҚҚСни қўллаш орқали молиявий хизматлар таннархининг пасайиши, фойданинг ошиши, «қайтарилмайдиган ҚҚС» муаммоси ҳал қилиниши ҳамда талабга ижобий таъсир этишини асослаш бўйича таклифи Солиқ кодексининг 244-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 12 январдаги 14/1-01547-сон далолатномаси). Натижада, банк хизматлари харажатлари пасайиши ва кирим қилинган ҚҚС учун кредит олиш имконияти яратилиши, ҚҚСнинг бевосита ишлаб чиқариш солиғига

айланишини бартараф этиш ҳамда солиқ тушумларининг ошишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 3 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, шундан 3 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 255 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тижорт банклари фаолиятини оптимал солиққа тортишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида банклар фаолиятини оптимал солиққа тортиш, банклар фаолиятига солиқларнинг таъсирини эмпирик баҳолаш ва банклар фаолиятини солиқлар воситасида макропруденциал тартибга солиш илмий асосланган. Ramsey томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар оптимал солиққа тортиш бўйича илмий адабиётларнинг асоси сифатида қаралади. Ramsey самарали солиққа тортиш фақат бир солиқни эмас, тўлиқ солиқлар тўпламини жорий этишни талаб қилишини кўрсатиб берган. Шу билан бирга, у бу фоизли даромадларни солиққа тортишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, истеъмол ва жамғарма иккита турли товарлар сифатида кўриб чиқилган ва капиталга иш ҳақидан даромадга нисбатан анча паст ставкада солиқ солиниши лозимлигини таъкидлаган<sup>6</sup>.

Аксарият иқтисодчи олимлар молиявий хизматларга солиқ солиш хусусидаги илмий мунозаралар ечимида, одатда, «Оптимал солиққа тортиш ва ижтимоий ишлаб чиқариш: I-Ишлаб чиқариш самарадорлиги» («Optimal Taxation and Public Production: I-Production Efficiency») теоремасига асосланадилар<sup>7</sup>. Мазкур теорема асосида солиқ солишда «солиқлар оралик трансакциялардан эмас, балки якуний истеъмолдан олинини керак» деган тамойил ётади. Жумладан, Boadway, Keenлар фикрига кўра, мазкур теореманинг молиявий хизматларга қўлланишидан куйидагилар келиб чиқади: истеъмолчилар томонидан сотиб олинадиган молиявий хизматлар нисбатан паст ставкада солиққа тортилиши; корхоналар томонидан сотиб олинадиган молиявий хизматларга эса, солиқ солинмаслиги лозим<sup>8</sup>. Atkeson ва бошқаларнинг таъкидлашича, стационар ҳолатда капиталдан даромадга ноль ставкада солиқ солиш оптимал ҳисобланди, агарда қўшимча чекловлар капиталга боғлиқ бўлмаса, аксинча бўлса, оптимал ҳисобланмайди<sup>9</sup>.

Корпоратив фойда солиғи ва банклар ўртасидаги солиқ харажатларини


<sup>6</sup>Ramsey, F.P. (1927). A contribution to the theory of Taxation', ECONOMIC JOURNAL, vol. 37(145), pp. 47–61.

<sup>7</sup>Diamond, P.A., Mirrlees, J.A., 1971. Optimal taxation and public production. I: Production efficiency. American Economic Review 61, 8–27.

<sup>8</sup>Boadway R., Keen M., 2003. Theoretical perspectives on the taxation of capital income and financial services. In: Honohan, P. (Ed.), Taxation of Financial Intermediation: Theory and Practice for Emerging Economies. World Bank and Oxford University Press, New York. 27.

<sup>9</sup>Atkeson A., Chari V.V. and Kehoe P.J. (1999). «Taxing Capital Income: A Bad Idea», Federal Reserve Bank of Minneapolis Quarterly Review, 23, 3-17.

минималлаштириш бўйича ички ҳаракатлар (ички доира) ўртасидаги боғлиқлик, банклар ҳулқ-атворини белгиловчи институционал муҳит (ташқи доира) ва бунда банкларнинг асосий манфаатдор томонларининг роли муҳим ҳисобланади. Ички доирада банкларнинг корпоратив фойда солиғига нисбатан мулоҳазалари тасвирланган бўлиб, ташқи доирада банкларнинг тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришда ҳисобга олиши лозим бўлган институционал муҳит кўрсатилган (1-расм).



**1-расм. Банклар ва манфаатдор томонлар учун корпоратив фойда солиғининг муҳим жиҳатлари<sup>10</sup>**

Капиталдан даромадга оптимал солиқ солиш тўғрисидаги илмий назарияларга асосланган ҳолда банк маҳсулотларининг таркиби капиталга воситачилиқдан ташкил топишидан келиб чиқиб, банк фойдасига солиқ солинмаслиги лозим, деган хулоса шаклланиши мумкин. Бироқ, диссертант фикрича, агарда бу жараёнлар иқтисодиётнинг бошқа секторида юз берганда молиявий хизматлар кўрсатишда капиталдан олинadиган даромадларга солиқ солиниши шарт ва албатта, нисбатан паст ставкада.

Boadway ва Кееннинг фикрича, банклар томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматларга солиқ солиш, масалан, сақлаш учун депозит ячейкаларини тақдим этишга ҚҚС солиниши бўйича консенсус мавжудлиги учун тортишувларга сабаб бўлмаган<sup>11</sup>. Бироқ, спредга асосланган молиявий хизматларга нисбатан ҚҚС солиниши бўйича консенсус мавжуд эмас. Мазкур йўналишда Diamond ва Mirrleesнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги теоремаси назарий асос бўлиб, ушбу теоремага асосан, соф даромадга ҳар қандай солиқ ставкасида солиқ солинади; бошқа солиқ инструментларининг

<sup>10</sup>Gawehn Vanessa (2020). Banks and Corporate Income Taxation: A Review. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3498843>.

<sup>11</sup>Boadway R. and Keen M. (2003). Theoretical Perspectives on the Taxation of Capital Income and Financial Services. Taxation of Financial Intermediation: Theory and Practice for Emerging Economies. 443p.

чекловларсиз мавжудлиги ва мукамал бозорда самарали солиқ структураси ишлаб чиқариш қарорларини бузмаслиги лозим<sup>12</sup>. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, тармоқ корхоналарига тақдим этилган молиявий хизматларга тегишли харажатлар бўйича тўланган ҚҚС чегирилиши шарт. Тижорат банклари молиявий воситачи сифатида молиявий ресурсларни тақсимлашда муҳим роль ўйнайди ва унинг фаолиятидаги ҳар қандай шаклдаги номуносивлик умумий иқтисодий таъсирга эга бўлиши мумкин.

Milonasнинг таъкидлашича, солиққа тортишдаги босқичма-босқич ўзгаришларга жавобан банклар ўз капитали структурасини коррективировка қилиши, фойда солиғи ставкасининг 1 фоиз пунктга кўтарилиши хусусий капиталнинг жами активларга нисбатининг 15 базис пунктга пасайишига олиб келади<sup>13</sup>. Schandlbauerнинг фикрича, корпоратив фойда солиғи ставкаларининг оширилиши, банкларнинг молиялаштириш ва операциялари танловига таъсир қилади ҳамда капиталлашув даражасига боғлиқ ҳолда уларнинг хулқ-атвори турлича бўлади<sup>14</sup>. Хусусий капитални рағбатлантиришга қаратилган солиқ имтиёзларининг берилиши банкларнинг ўз капиталини оширишига олиб келган, мазкур солиқ ислохотлари амалга оширилгандан сўнг банк капитали коэффиценти 8.83%га ўсган. Мазкур солиқ механизми аста-секин бекор қилиб борилганда, хусусий капитал коэффицентига тесқари таъсирни кузатиш мумкин<sup>15</sup>. Эмпирик таҳлилларда солиқ режимидаги қарз ва хусусий капитал фарқларининг камайиши банк капиталининг ўсишига олиб келиши кўрсатиб берилган. Эмпирик тадқиқотлар натижаларини умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин: тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштиришда қарзли ва улушли молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминацияларини камайтириш, хусусий капитални рағбатлантирувчи солиқ имтиёзларининг берилиши банкларнинг капиталлашув даражасининг оширишига олиб келади; корпоратив даромад солиғи ставкаларининг ўзгариши банкларнинг молиялаштириш ва операциялари танловига таъсир қилади ҳамда банкларнинг капиталлашув даражасига боғлиқ ҳолда банклар хулқ-атворига таъсири турлича бўлиши мумкин; паст солиқ ставкаларидан заиф банклар ўз балансларини яхшилаш учун фойдаланишга мойил бўлади.

Амалга оширилган регрессион таҳлиллар натижасида корпоратив фойда солиғи ставкасининг кўтарилиши депозитлар бозори ўзгармаган шароитда кредитлар фоиз ставкасига ижобий ва кредитлар ҳажмига салбий таъсир этиши аниқланди. Кредитлар бўйича соф фоиз маржасига умумий таъсирлар турлича бўлиб, солиқ ставкаси нисбатан паст (юқори) даражада бўлган ижобий (салбий) тенденцияга эга бўлади. Пуллик хизматлардан олинган

---

<sup>12</sup>Diamond P.A. and Mirrlees J.A. (1971). «Optimal Taxation and Public Production: I—Production Efficiency» and «Optimal Taxation and Public Production II: Tax Rules», *American Economic Review*, 61, 8-27 and 261-78.

<sup>13</sup>Milonas Kristoffer (2018). «Bank Taxes, Leverage and Risk», *Journal of Financial Services Research*, Springer; Western Finance Association, vol. 54(2), pages 145-177;

<sup>14</sup>Schandlbauer Alexander (2017). «How do financial institutions react to a tax increase? », *Journal of Financial Intermediation*, Elsevier, vol. 30(C), pages 86-106.

<sup>15</sup>Martin-Flores Jose-Maria and Moussu Christophe (2019). Is Bank Capital Sensitive to a Tax Allowance on Marginal Equity? *European Financial Management*, Vol. 25, Issue 2, pp. 325-357.



даромад, аксинча, ҳар доим солиқ ставкасига салбий боғлиқлигини кўрсатган. Шунингдек, банклар корпоратив даромад солиғининг катта қисмини тахминан, солиқ юқининг 90%ини мижозларга ўтказиш имкониятига эғалиги аниқланган.

Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, бугунги кунда банкларнинг молиявий барқарорлигини тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар белгиланган структуравий ва норматив чоралар (фискал) солиқ солиш билан тўлдирилиши, шунингдек, тартибга солиш ва солиққа тортиш ўртасидаги мувофиқликни таъминлашга йўналтирилиши лозим. Молиявий секторнинг пруденциал сиёсатида солиқлардан тартибга солиш воситалари сифатида фойдаланишга ва солиқларни тартибга солиш чораларига тенглаштириш ва интеграция қилинишига кам эътибор бериб келинган.



**2-расм. Корпоратив солиқ тизимидаги ортиқча қарзли молиялаштириш бўйича дискриминацияни камайтиришдаги ёндашувлар<sup>16</sup>**

Иқтисодий адабиётларда корпоратив фойдани солиққа тортишда хусусий капитал ва қарз капитали ўртасидаги солиқ дискриминациясини камайтириш мақсадида, қуйидаги ёндашувлар ечим сифатида таклиф этилган (2-расм). Корпоратив хусусий капиталга солиқ чегирмаси (Allowance for Corporate Equity–ACE) капитал структурасига таъсир этиб, дефолт рискинни камайтириш орқали, тизимли рискни пасайтириши мумкин. Тадқиқотимиз асосида хорижий мамлакатларнинг тажрибалари инобатга олинган ҳолда қарзли молиялаштириш ва улушли молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминациясининг камайиши, банк секторидаги тизимли рискларнинг пасайиши ва капиталлашув даражасининг ошиши билан боғлиқлиги юзасидан хулосалар шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «Тижорат банклари фаолиятига солиқ солишнинг амалдаги ҳолати таҳлили ва банклар фаолиятига

<sup>16</sup>PWC (2006) Tax Reform on Thin Capitalization Rule. Gets Vol. 30.асосида диссертант томонидан тузилган.

**солиқларнинг таъсирини баҳолаш»** масалаларининг тадқиқ қилиниши белгилаб олинган бўлиб, мазкур бобда тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш механизмининг амалдаги ҳолати таҳлил этилган, банк даромадлигига фойда солиғининг таъсири, шу билан бирга, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга мажбурий резервлар миқдорининг фойда солиғи ставкасига боғлиқлиги эмпирик баҳоланган ва тегишли хулосалар шакллантирилган. Умуман олганда, сўнгги йилларда тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқ ва мажбурий тўловларнинг суммаси ўсиб борган бўлса-да, уларнинг давлат бюджети даромадларидаги улушида турли тенденцияларни кузатиш мумкин (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Тижорат банклари томонидан давлат бюджетига тўланган солиқлар ва мажбурий тўловлари тўғрисида маълумот<sup>17</sup>, (млрд. сўмда)


	Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
I	Жами солиқ тушумлари	1 126,3	1 332,8	1 385,1	1 835,2	2 650,0	3 220,5
	<i>шу жумладан</i>						
	фойда солиғи	282,5	252,1	377,6	746,6	1 272,3	1743,7
	ҚҚС	25,3	18,8	28,3	49,5	85,4	144,0
	мол-мулк солиғи	47,7	64,7	77,3	72,7	33,5	46,0
	ер солиғи	7,2	7,8	9,6	10,1	11,8	12,5
	даромад солиғи	172,6	201,5	284,5	356,3	444,0	544,6
	ЯИТ/ижтимоий солиқ	287,5	340,7	467,2	622,4	802,9	522,3
II	Бюджетнинг солиқ тушумларидаги улуши (%)	3,1	3,2	2,8	2,3	3,2	3,1
	<i>шу жумладан:</i>						
	фойда солиғи	23,9	20,7	25,6	21,3	8,4	6,1
	ҚҚС	0,2	0,2	0,2	0,2	0,4	0,7
	ресурс ва мол-мулк солиғи	1,1	1,4	1,3	0,7	0,2	0,3
	даромад солиғи	4,5	4,9	5,8	5,6	3,5	3,7
	ЯИТ/ижтимоий солиқ	4,1	4,3	5,1	5,1	3,9	2,6

Жумладан, 2020 йилда 2015 йилга нисбатан тижорат банклари томонидан тўланган фойда солиғи суммаси тахминан 2,86 бараварга ўсган, бироқ умумий фойда солиғи тушумидаги улуши 6,1 фоизга камайган. Бунга умумий фойда солиғи ставкаси кўтарилганлиги (2018 йилда - 12%, 2020 йилда -15%), солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши ва амалга оширилган солиқ ислохотлари натижасида 2019 йилда фойда солиғи тўловчилар сони кескин кўпайганлигини (2019 йилда фойда солиғи тўловчилар сони 49420 тани ташкил этган ёки 2018 йилга нисбатан 41845 тага ортган) асосий сабаблар сифатида келтириш мумкин. Юридик шахслар мол-мулки солиғи тушумларининг камайиши солиқ базаси ва солиқ ставкасининг пасайтирилиши, ижтимоий солиқ бўйича тумушларнинг камайиши, коронавирус пандемияси туфайли юзага келган молиявий қийинчиликлар сабабли иш ҳақининг камайиши билан изоҳланади.

Глобал ва минтақалар бўйича таҳлил натижаларига кўра, сўнгги ўн йилликларда корпоратив фойда солиғининг ўртача максимал ставкалари

<sup>17</sup>Молия вазирлиги ва ДСҚ маълумотлари асосида диссертант томонидан тузилган.

сезиларли даражада пасайган бўлиб, аксарият мамлакатларда ушбу тенденциянинг давом этишини кузатиш мумкин (3–расм).



3- расм. Корпоратив фойда солиғининг ўртача максимал ставкаларининг ўзгариши<sup>18</sup>, %да

Агарда банкларнинг молиявий воситачилик фаолияти, хусусан, бизнес ва жисмоний шахсларга молиявий маҳсулотлар реализациясини ҳисобга оладиган бўлсак, солиқ солишдаги номуносиблик натижасида самарадорликнинг йўқотилиши солиқ юкини, аслида, кимга тушишига боғлиқдир. Эмпирик таҳлилда 2013-2019 йиллар бўйича республикадаги 25 та тижорат банкининг фойда ва зарарлар бўйича молиявий ҳисоботлари асосида банк даромадлилиги ва корпоратив фойдани солиққа тортиш ўртасидаги боғлиқлик ўрганилади. Солиқнинг банк даромадлилигига таъсирини баҳолашда тўланган фойда солиғи суммасидан фойдаланамиз ва бу қуйидаги икки асосга кўра экзоген ҳисобланиши мумкин: тўланган фойда солиғи суммаси самарали солиқ ставкасини англатади; бу стандарт солиқ ставкаси эмас, шунинг учун банк фаолиятига таъсирини аниқ баҳолаш (камайтирилган ставка, солиқ имтиёзлари кабилар ҳисобга олинган ҳолда) мумкин. Регрессион таҳлилни амалга оширишда қуйидаги эмпирик моделни баҳолаймиз<sup>19</sup>:

$$\begin{aligned}
 PROF_{i,t} &= \gamma PROF_{i,t-1} + \beta_1 CIT_{i,t} + \alpha X_{i,t} + \lambda_t \\
 &\quad + FORM PROPERTY_{i,t} + v_{i,t} \\
 v_{i,t} &= \mu_i + \varepsilon_{i,t} \quad j = 1 \dots N; t = 2013 \dots 2019
 \end{aligned}
 \tag{1}$$

Бу ерда:  $\gamma PROF_{i,t-1}$  – банкнинг  $t$  йилга, активлар ва солиқ тўлагунгача бўлган фойда ўртасидаги нисбати,  $CIT_{i,t}$  – тўланган корпоратив фойда солиғининг активларга нисбати,  $X_{i,t}$  – назорат қилинувчи ўзгарувчи вектори

<sup>18</sup>Corporate Tax Rates around the World, 2020. <https://files.taxfoundation.org>.

<sup>19</sup>Chiorazzo V. & Milani C. (2011). «The impact of taxation on bank profits: Evidence from EU banks», Journal of Banking & Finance, Elsevier, vol. 35(12), pages 3202-3212..

(активлар суммаси  $\log$  ва квадратга кўтарилган),  $\lambda_t$ —вақтнинг таъсири,  $FORM\ PROPERTY_{i,t}$  — мулкчилик шакли, давлат улуши бўлса, 1 га тенг, аксарият ҳолатда 0 га тенг,  $\mu_i$ — банк даражасида ҳисобга олинмаган таъсирлар,  $\varepsilon_{i,t}$ —хатолик. Регрессион таҳлил натижасида банкларнинг даромадлигига фойда солиғининг ижобий таъсири мавжудлиги ва бунинг статистик аҳамияти юқорилиги аниқланди (2-жадвал).


2-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари	
Ўзгарувчилар	Икки босқичли GMM
L. YPROF	0.046 (1.71)
CIT	3.363*** (10.99)
QlnASSETS	0.000 (0.56)
FORM PROPERTY	0.000
_cons	0.004 (1.00)
N	111

Standard errors in parentheses

\*\*\*p<0.01, \*\*p<0.05, \*p<0.1


Тижорат банкларининг даромадлиги билан фойда солиғи ўртасидаги ижобий боғланиш мавжуд бўлиб, тижорат банклари томонидан тўланадиган фойда солиғи ставкасининг кўтарилиши банк даромадлигининг ўсишига олиб келишини кўриш мумкин (4-расм).



4-расм. Банк даромадлиги билан фойда солиғи ўртасидаги боғлиқлик<sup>20</sup>

<sup>20</sup>Таҳлил асосида диссертант томонидан тайёрланган.

Ўтказилган таҳлилда капиталдан олинган даромадга оптимал солиқ солиш бўйича олиб борилган илмий ва эмпирик тадқиқотлар натижасида аниқланган банклар тўлайдиган корпоратив фойда солиғи уларнинг контрагентларига ўтказилиши ва солиқ тўлагунгача бўлган фойдага таъсир этиши тасдиқланди. Тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари сифатида, асосан, тижорат банкларининг кредитларидан фойдаланишларини ҳисобга оладиган бўлсак, умумий иқтисодиётга давомий салбий таъсирининг янада кучайишига олиб келиши мумкин.



**5-расм. Кредитлар бўйича йўқотишларга мажбурий резервлар<sup>21</sup>**

Солиқ қонунчилигига кўра, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга мажбурий резервлар фойда солиғини ҳисоблашда чегириладиган харажатлар таркибига киритилган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, муаммоли кредитлар ва эҳтимолий йўқотишларга шакллантирилган мажбурий резервлар ўртасидаги фарқ юқори даражани ташкил этган (5-расм).

Эмпирик таҳлил республикадаги 23 та тижорат банкининг 2015-2019 йиллардаги молиявий ҳисоботларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган. Солиққа тортиш мақсадларида, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга мажбурий резервлар чегириб ташланганда, резервларнинг корпоратив фойда солиғи ставкаси билан ижобий боғлиқлиги тўғрисидаги асосий гипотезани текшириб кўриш учун Bushman ва Williamsлар томонидан таклиф қилинган LLP модели вариантыга асосланиб, OLS усулида қуйидаги регрессияни баҳолаймиз<sup>22</sup>:

$$LLP_{it} = \beta_0 + \beta_1 TAX RATE_{c,t} + \beta_2 FORM PROPERTY_{c,t} + \varepsilon_{i,t} \quad (2)$$

<sup>21</sup> Аналитический обзор банковского сектора Узбекистана 2013–2020 гг. Рейтинговое Агентство «Ahbor-Reyting». маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.

<sup>22</sup> Bushman R. M. and C. D. Williams (2012). Accounting Discretion, Loan Loss Provisioning, and Discipline of Banks' Risk-Taking. Journal of Accounting and Economics 54 (1):1-18.

Таҳлилда 23 та тижорат банки кесимида (i) 2015-2019 йй. (t) давридаги кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга мажбурий резервлар суммаси (LLP) (Y) боғлиқ ўзгарувчи ва фойда солиғи ставкаси (TAX RATE) ҳамда мулкчилик шакли (FORM PROPERTY, давлат улуши мавжуд бўлса 1 га тенг, аксинча ҳолатда 0 га тенг) (X) эркин ўзгарувчилар сифатида олинган. Регрессион таҳлил натижасига кўра, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун мажбурий резервларга фойда солиғи ставкаси ва мулкчилик шакли таъсирларининг статистик аҳамияти юқорилиги аниқланди (3-жадвал).

**3-жадвал**

<b>Регрессион таҳлил натижалари</b>		
	<b>Lnlp Random effects</b>	<b>Lnlp Fixed effects</b>
TAX RATE	0.133*** (3.67)	0.132*** (3.61)
FORM PROPERTY	1.571*** (2.93)	
_cons	-1.145 (1.55)	-0.302 (0.47)
N	105	105
R <sup>2</sup>	0.14	0.14

Standard errors in parentheses

\*\*\*p<0.01,\*\*p<0.05,\*p<0.1

Олинган натижаларга асосан, ўртача ҳисобда фойда солиғи ставкасининг 1фоизга кўтарилиши йўқотишлар бўйича мажбурий резервлар миқдорининг ўртача 3,6 фоизга ўсишига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, солиққа тортиш мақсадларида умумий резервлар чегириб ташланганда, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга мажбурий резервларнинг суммаси фойда солиғининг ставкаси билан ижобий боғлиқлиги ва йўқотишларга мажбурий резервларнинг миқдори солиқ ставкаси даражасида ўсиши тўғрисидаги асосий гипотеза тасдиқланди.

Бундан ташқари, мулкчилик шакллариининг ҳам мажбурий резервларга таъсирининг статистик аҳамияти юқори бўлиб, давлат улуши мавжуд бўлган банкларда мажбурий резервлар миқдорининг ўсишига асосий сабаблардан бири сифатида «принципал-агент» муаммосини келтириб ўтиш мумкин. Бунда менежерларнинг ўз манфаатлари йўлида фойдани максималлаштиришдан манфаатдор бўлмаслиги билан боғлиқ маънавий рискни келтириб чиқаради.

Диссертациянинг «**Тижорат банклари фаолиятини солиқлар воситасида макропруденциал тартибга солиш**» деб номланган учинчи бобида тижорат банклари фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солишни мувофиқлаштиришдаги ёндашувлар тадқиқ қилинган, тижорат банклари фаолиятини молиявий солиқлар воситасида тартибга солиш амалиётининг таҳлили амалга оширилган ҳамда тижорат банклари фаолиятини тартибга солишда банк йиғимларининг хусусиятлари баҳоланган. Honohan ва Klingebielнинг таъкидлашича, охириги юз берган

глобал молиявий инқироз даврида молиявий сектор қулашининг олдини олиш учун катта молиявий харажатлар ҳисобига айрим йирик банкларнинг сақлаб қолиниши фискал харажатларнинг ошишига ва бу, ўз навбатида, банкларнинг рискени ўз бўйнига олишини ўзгартиришга олиб келади<sup>23</sup>.

Тартибга солиш ва солиққа тортишнинг ролини микропруденциал рискларга (алоҳида муассаса билан боғлиқ) нисбатан ҳам кўриб чиқиш мумкин, бироқ ҳозирги шароитда кўпроқ амалий аҳамиятга эга бўлган макропруденциал (тизимли) риск билан боғлиқ ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Тартибга солиш микропруденциал даражада устун бўлиб, молия секторига нисбатан фискал сиёсат, асосан, барча мамлакатларда бетарафликнинг умумий тамойилига асосланган эди. Chaudhry ва бошқалар томонидан банклар фаолиятини солиққа тортишга макропруденциал тартибга солиш сифатида қараб, банклар фаолиятини тартибга солиш ва солиққа тортиш мутаносиблигини таъминлаш зарур, чунки бунда тартибга солиш ва солиқлар бир–бирининг ўрнини тўлдириши мумкинлиги таъкидланган<sup>24</sup>. Умуман олганда, замонавий илмий адабиётларда бир қатор турли солиқ режимлари келтирилган бўлиб, ушбу режимларни икки хил турдаги даромадга асосланган солиққа тортиш ва коррективировка қилувчи солиқларга ажратиш мумкин. Молиявий фаолиятга солиқ (МФС), молиявий хизматларга тўлов, молиявий операцияларга солиқ (МОС) ва банк ходимларининг бонусларига солиқни жорий этишдан асосий мақсад–бюджетга қўшимча даромад тушумларини таъминлаш ёки молиявий инқироз туфайли банк тизимини қўллаб-қувватлашга сарфланган маблағларни қайтариб олиш бўлса-да, бироқ қисман макропруденциал характерга эга бўлиб, тартибга солиш ва солиқ солишдаги номуаносибликни камайтириши мумкин.

Коррективировка қилувчи солиқлар тизимли рискларни камайтириш мақсадида, банкларнинг хулқ-атворини ўзгартиришга қаратилган солиққа тортиш ҳисобланиб, бунга: дефолт рискка статистик солиқлар, ликвидликка асосланган солиқлар, бозорга асосланган солиқлар, қарз оғишига боғлиқ фаолиятга солиқларни келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, банкларнинг дефолт своп шартномалари нархига мутаносиб равишда солиқ солиниши ва бунда банк рискни ортган сари дефолт своп шартномалари бўйича спред ҳам ўсиб боради ва солиқ юки банкнинг ўзига тушади. Бутун банк тизими учун хос бўлган тизимли рискларни камайтиришга қаратилган макропруденциал тартибга солишда коррективировка қилувчи солиқлар, хусусан, банклар фаолиятига молиявий солиқларни жорий этиш зарурияти илмий–амалий жиҳатдан асосланган. Банк секторининг салбий ташқи таъсир кўринишларининг шакли сифатида тизимли рискка табиий иқтисодий жавоб тартибга солувчи солиқларга (дефолт рискка статистик солиқлар, ликвидликка асосланган солиқлар, МОС, МФС, банк йиғимлари каби)

<sup>23</sup>Honohan Patrick & Klingebiel Daniela (2003). «The fiscal cost implications of an accommodating approach to banking crises», *Journal of Banking & Finance*, Elsevier, vol. 27(8), pages 1539-1560.

<sup>24</sup>Chaudhry S.M., Mullineux A., Agarwal N., (2015). Balancing the regulation and taxation of banking. *International Review of Financial Analysis* 42 (2015) 38–52.

муружаат қилишдир. Молиявий секторни қўшимча солиққа тортишнинг қўллаб-қувватланишидаги муҳим далиллар, молиявий инкироздан кейинги қайта тикланишга ёрдам, молиявий сектор барқарорлигини таъминлаш, портфелли инвестицион хатти-ҳаракатлар даромадлилигини пасайтириш, банк хизматларининг ҚҚСдан озод қилинишини компенсация қилиш, қўшимча даромадлар манбаси ва фискал мақсад ҳисобланади<sup>25</sup>. МОС маънавий рискни коррективроқ қилувчи инструмент сифатида қўлланиши мумкин ва бу эса, молиявий бозорларнинг барқарорлиги ва потенциал самарадорлигини оширади. Танқидчилар фикрига кўра, МОСнинг молия бозорида кенг қўлланиши банклараро молиялаштириш ва марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш учун фойдаланадиган репо бозорига зарар келтиради, чунки солиқ ҳар икки томон, репони сотиб олиш ва сотиш келишувлари бўйича тўланади. Шу сабабдан, МОСнинг қайсидир шаклини жорий этиш имкониятларини кўриб чиқишда, аввало, уларнинг салбий оқибатлари ва амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳисобга олиш лозим.

Банк йиғими банкларнинг активлари ва мажбуриятларига солинадиган қўшимча тўлов ҳисобланиб, банкларнинг барқарорлигини таъминлаш ва ликвидлигини ошириш мақсадида жорий этилган. ЕИда янги тартибга солиш доирасида банк йиғимларининг миқдорини белгилаш тартиби келишиб олинган бўлиб, йиғим миқдори банкларнинг таъминланган ва таъминланмаган мажбуриятлар ҳамда рискка тортилган активларга боғлиқ. Шундай қилиб, банк йиғимининг оширилиши банк секторидаги таъминланмаган қарзларни солиққа тортишга бўлган мақсадни англатади. Жумладан, Буюк Британиядаги банк йиғимлари консолидирлашган баланс мажбуриятларидан I даражали капитал, химояланган депозит, суверен репо мажбуриятлар ва нетто асосидаги деривативлар чегириб ташланган ҳолда қўлланилади. Кўриниб турибдики, банк йиғимининг ўсиши билан Базель-III томонидан тавсия қилинган ликвидликни қоплаш коэффициенти (LCR) ва соф барқарор молиялаштириш коэффициенти (NSFR) ўртасида бир-бирига ўхшашлик мавжуд.


МФС, мазмунига кўра, молиявий секторнинг мукофоти ва фойдасига солинадиган ҳамда, асосан, сектордаги рентани солиққа тортиш учун мўлжалланган, сезиларли даромад келтириши мумкин бўлган яна бир молиявий солиқлардан ҳисобланади. МФСни қўшимча равишда иккита варианты тавсия этилган. МФС–2 солиқ базасига банкларнинг фойдаси ва ходимларнинг ортиқча иш ҳақалари (surplus wages), яъни банк секторидаги юқори мукофот олувчи ходимларнинг даромадлари киритилган. Бунда, ортиқча иш ҳақини аниқлаш учун банк секторидаги бошқарувчиларнинг даромадини иқтисодиётнинг бошқа секторларидаги бошқарувчилар даромади билан солиштириш тавсия этилган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, МФС рентани солиққа тортишга яқин бўлса, солиқ юқини молиявий хизматларни истеъмолчиларига ўтказиш эҳтимоллигини камайтиради. МФС–3 солиқ

---

<sup>25</sup>PWC. (2013a). Financial transaction tax: The impact and arguments. A literature review.



базаси белгиланган даромадлилик даражасидан юқори бўлган фойда ва юқори иш ҳақи ҳисобланиб, банк секторидаги ортиқча фойдани солиққа айланишини таъминлайди. МФСнинг кўп жиҳатдан ҚҚС характерига эга эканлиги, яъни ҚҚС каби молиявий муассасаларнинг фаолияти структурасига бевосита таъсир этмайди, чунки солиқнинг қўшилган қиймат суммасига боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган. Олиб борилган эмпирик таҳлиллар натижасига кўра, банк йиғимларининг жорий қилиниши леверажнинг пасайишига олиб келади, чунки мажбуриятлар янада қимматлашади ва фойда солиғи ставкалари қанча юқори бўлса, бу таъсир заифроқ бўлади. Масалан, ўртача корпоратив фойда солиғи ставкалари (30,2%) бўлган шароитда банк йиғимининг жорий қилиниши леверажни 0,4% пунктга камайтиради.



**6–расм. Корпоратив фойда солиғи ва банк йиғимлари ставкаларининг ўзгариши<sup>26</sup>**

Ўз навбатида, ўртача банклар учун хусусий капиталнинг активларга нисбати 4% га ошади. Танловдаги энг паст корпоратив фойда солиғи ставкалари бўлган (10%) мамлакатлар учун леверажга мос чегаравий таъсири 3%ни ташкил этган ва ўртача банклар учун хусусий капиталнинг активларга нисбати 30%га ошган. Жумладан, Буюк Британияда банк йиғимларининг ставкаларига мос равишда корпоратив фойда солиғи ставкалари пасайтириб борилган (6–расм).

Банк йиғимлари жорий қилингандан сўнг корпоратив фойда солиғи ставкалари паст бўлган мамлакатларда йиғимларга жавобан банклар леверажини пасайтиришини, юқори солиқ ставкалари бўлган мамлакатларда эса, леверажни камайтириш самараси сезиларсиз даражада бўлиши аниқланган. Юқори ставкаларда фойда солиғи ундириладиган мамлакатларда банк йиғимларининг леверажни камайтириш бўйича таъсири самарасиз

<sup>26</sup>HM Revenue & Customs (2020) асосида диссертант томонидан тузилган.

бўлади, чунки корпоратив фойда солиғи тизимидаги қарзли молиялаштиришнинг рағбатлантирилиши қарама-қарши таъсирини оширади.

Бундан кўринадики, корпоратив фойда солиғи ставкалари юқори бўлган мамлакатларда банк йиғимларининг таъсири статистик аҳамиятга эга бўлмайди ва бунда тартибга солувчи солиқлар орқали леверажни пасайтириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича мақсадга эришиш мумкин эмас.

Диссертациянинг «**Банклар фаолиятини солиққа тортиш методологиясини такомиллаштириш йўналишлари**» деб номланган тўртинчи бобда тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш билан боғлиқ истиқболдаги масалалари ва тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш йўналишларининг муҳим жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, тижорат банклари фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солишнинг асосий йўналишлари илмий-амалий тадқиқ қилинган.

Илмий адабиётларга, асосан, солиқларнинг трансмиллий банклар (ТМБ) фойдасини ўтказишига таъсири 2 та йўл билан амалга оширилади: биринчиси, ТМБлар хориждаги филиалларининг капитал структурасини ўзгартириш орқали (бунда юқори солиқ юрисдикциялари бўлган мамлакатлардаги хорижий филиалларни қарзлар ҳисобига молиялаштириш, паст солиқ ставкалари бўлган мамлакатларда эса, ўз капитали ҳисобига молиялаштириш); иккинчиси, трансчегаравий ва ички хизматлар учун қўлланиладиган трансферт нархлар билан (товар ва хизматларга юқори солиқлар мавжуд бўлган мамлакатлардаги филиалларга нархларни пасайтириш) боғлиқ.

Chronopoulos ва бошқаларнинг таъкидлашича, банк секторини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш бўйича баҳс–мунозараларнинг натижасида учта афзал механизмларнинг пайдо бўлишига олиб келган ва уларни рискка, трансакцияларга ва маржага асосланган кенг солиқ схемаларига ажратиш мумкин<sup>27</sup>. Солиқ солиш тамойилларидан келиб чиқадиган бўлсак, банклар молиявий хизматларини ҚҚСдан озод қилиниши солиқ тамойилларга зид бўлиб, банклар учун кирим қилинган ҚҚСни ҳисобга олиш имкониятларини чеклаб, занжир бузилишига олиб келади.

Молиявий хизматларнинг ҚҚС тўлашдан озод қилиниши натижасида тижорат банкларида юзага келадиган салбий оқибатлар танловдаги тижорат банки фаолиятининг молиявий кўрсаткичларини солиштириш орқали кўриб чиқилган (4-жадвал). ҚҚС тўлашдан озод қилинган солиқ тўловчилар ҚҚС тўловчиларига нисбатан оладиган соф фойдаси миқдори кам бўлиб, бошқа тенг шароитларда соф тушумларга нисбатан солиқ юки даражаси юқори бўлмоқда.

---

<sup>27</sup>Chronopoulos Dimitris K. & Sobiech Anna L. & Wilson John O.S. (2018) Future Issues in Bank Taxation. <https://www.fca.org.uk/publication>.

**ҚҚС бўйича турли шароитларда бўлган банкнинг молиявий  
кўрсаткичлари таҳлили, млн.сўм<sup>28</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Амалдаги ҳолат	Кредит фоизларига ноль даражали ставкада, пуллик хизматларга 15 %ли ставкада ҚҚС қўлланилган ҳолатда
1	Даромадлар, жами	2373380,7	2373380,7
	шу жумладан, пуллик хизматлари	161607,6	161607,6
2	Реализацияга ҚҚС	2665,4	24241,1
3	Харажатларга олиб борилган ҚҚС	3150,6	0,0
4	Чегириладиган ҚҚС суммаси	128,2	3278,8
5	Солиқ тўлангунгача бўлган фойда	280074,0	283224,6
6	Ҳисобланган фойда солиғи*	60079,2	60709,3
7	Соф фойда (5 қатор-6 қатор)	219994,8	222515,3
8	Рентабеллик (7 қатор/1 қатор x 100)	9,3%	9,4%
9	Солиқ юки (6 қатор -4 қатор)/1 қатор x 100)	2,5%	2,4%
10	Бюджетга тўланадиган ҚҚС	2537,2	20962,3

\*2020 йилда амалда бўлган 20% фойда солиғи ставкаси олинган.

Солиққа тортиш тизимига нафақат «фискал» бюджет даромадларини ошириш, шу билан бирга, банкларнинг барқарорлигини ошириш ва уларнинг юқори даражадаги рисклар билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш воситаси сифатида қараш керак. Молиявий барқарорликни таъминлаш учун муҳим бўлган нормативларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсади тартибга солиш ва тизимли чора-тадбирларни солиқлар воситаси билан кучайтиришга, шунингдек, тартибга солиш ва солиққа тортиш ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Шунинг учун, турли мамлакатлар ва минтақаларда амалдаги тартибга солиш ва солиққа тортишдаги турли-туманликни ҳисобга олган ҳолда салбий таъсиридан банкларни ҳимоя қилиш учун янги тартибга солиш ва солиққа тортиш бўйича ҳар икки ёндашувни бирлаштириш лозим.

### ХУЛОСА

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Молиявий хизматларга солиқ солиш хусусидаги илмий мунозаралар ечимида, одатда, «Оптимал солиққа тортиш ва ижтимоий ишлаб чиқариш: I-Ишлаб чиқариш самарадорлиги» («Optimal Taxation and Public Production: I-Production Efficiency») теоремасига асосланилади. Мазкур теорема асосида солиқ солишда «солиқлар оралиқ трансакциялардан эмас, балки якуний

<sup>28</sup>Танловдаги тижорат банкнинг маълумотлари асосида диссертант томонидан тузилган.

истеъмолдан олиниши керак», деган тамойил ётади. Оптимал солиққа тортиш назариясига асосан, самарали солиққа тортишда фақат бир солиқни эмас, тўлиқ солиқлар тўпламини жорий этиш талаб қилинади. Шу билан бирга, капиталга иш ҳақидан даромадга нисбатан анча паст ставкада солиқ солиниши лозимлиги таъкидланган.

2. Банклар фаолияти учун солиқларнинг муҳим бўлган қуйидаги жиҳатлари мавжуд: қарзли молиялаштириш, солиқ юки, ташкилий хўжалик шаклини танлаш, фойдани ўтказиш, молиявий ҳисоботларнинг шаффофлиги ва дефолт рискинни баҳолаш.

3. Банклар фаолиятини солиққа тортиш қуйидаги сабабларга кўра, алоҳида қизиқиш уйғотади: биринчидан, банклар ноёб бўлган функцияни бажарувчи молиявий воситачи ҳисобланади, шу билан бирга, ривожланган мамлакатларда инвестицион фондлар ва қимматли қоғозлар бозорлари томонидан рақобат кучайган; иккинчидан, банклар фаолиятининг қаттиқ назорат қилиниши ва тартибга солиниши солиққа тортишнинг айрим шакллари бўйича маъмурий харажатларни пасайтиради; учинчидан, банклар уй хўжалиги ва кичик бизнес секторида маълум даражада монополистик ҳокимиятга эгадир.

4. Корпоратив солиқ ставкасини пасайтириш тижорат банкларининг капиталлашувига, банк маҳсулотлари нархининг пасайишига ижобий таъсир этиши, шунингдек, уларнинг инвестицион фаоллигининг ривожланиши ва банк сектори молиявий барқарорлигини ошириши мумкин. Корпоратив фойда солиғи ставкасининг кўтарилиши банкларнинг молиялаштиришига ва операцион танловига таъсир ўтказиши, яъни капиталлашуви юқори бўлган банклар узок муддатли нодепозит қарзларини ошириш орқали кенгайтирилган солиқ қалқонидан фойда олишга ҳаракат қилишади, капиталлашуви юқори бўлмаган банклар эса, кредитлар беришни камайтиради.

5. Молиявий хизматларнинг ҚҚСдан озод қилиниши натижасида қуйидаги асосий учта номуносивблик юзага келади: банк секторида ўзи эҳтиёжини таъминлашга қарама-қарши; истеъмолдаги бузилишлар; қирим қилишдаги бузилиш ва солиқ каскади. ҚҚС тўлашдан озод қилинган солиқ тўловчилар ҚҚС тўловчиларига нисбатан оладиган соф фойдаси миқдори кам бўлиб, бошқа тенг шароитларда соф тушумларга нисбатан солиқ юки даражаси юқори бўлмоқда.

6. Молиявий хизматларни ҚҚСга тортиш хусусидаги илмий назариялардан келиб чиқиб, умуман олганда, банклар томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматларга (ҳашамат сифатида) умумий тартибда ҚҚС қўлланиши, маржага асосланган молиявий хизматларга ноль ставкада ҚҚС солиниши лозим.

7. Стандарт оптимал солиққа тортиш назариясига кўра, оралик товар ва хизматлар солиққа тортилмайди, чунки ишлаб чиқариш жараёнларига боғлиқ бўлган номуносивбликлар уларнинг якуний натижаларига солиқ солишга нисбатан кўпроқ қимматга тушиши мумкин. Мавжуд назарияларга кўра, тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни оптималлаштиришда

корпоратив солиқ режимидаги қарз ва хусусий капитал ўртасидаги солиқ дискриминациясини камайтириш муҳим ҳисобланади. Корпоратив хусусий капиталга солиқ чегирмаси (Allowance for Corporate Equity–ACE) капитал структурасига таъсир этиб, дефолт рискинни камайтириш орқали, тизимли рискни пасайтириши мумкин.

8. Амалга оширилган регрессион таҳлиллар натижасида корпоратив фойда солиғи ставкасининг кўтарилиши депозитлар бозори ўзгармаган шароитда кредитлар фоиз ставкасига ижобий ва кредитлар ҳажмига салбий таъсир этиши аниқланди. Пуллик хизматлардан олинадиган даромад, аксинча, ҳар доим солиқ ставкасига салбий боғлиқлигини кўрсатган. Шунингдек, банклар корпоратив фойда солиғининг катта қисмини, тахминан, солиқ юкининг 90%ини мижозларга ўтказиш имкониятига эгаллиги аниқланган.

9. Ҳаддан зиёд ортиқча қарзли молиялаштиришни чеклаш, шу билан бирга, фоизлар бўйича солиқ чегирмаларининг салбий оқибатларини камайтириш учун бир неча мамлакатларда фоиз бўйича имтиёзларни чеклаш ёки капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар ишлаб чиқилган. Бу қоидалар солиққа тортиш мақсадларида, қарзлар бўйича тўланган фоизнинг қанча қисми чегириб ташланишини белгилаб беради.

10. Олиб борилган кўплаб тадқиқотларда, банклар кредитлар бўйича йўқотишларга резервлардан капитални тартибга солиш учун эмас, асосан, фойдани камайтириш мақсадида фойдаланиши, айниқса, бу Базель келишувларидан кейинги даврларда резервлардан даромадларни бошқаришда фойдаланиш ҳолатлари янада кўпроқ намоён бўлган. Банклар кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун шакллантирилган резервлар ёстиқ вазифасини бажаради ва ушбу резервлар чегириладиган харажатлар таркибига киритилган бўлиб, соф фойда ва тартибга солувчи капитални (тақсимланмаган фойданинг камайиши ҳисобига) қисқартиради.

11. Кредитлар бўйича йўқотишларга мажбурий резервларни солиққа тортиш тартибини белгилашда қуйидагилар: банк даромадларини аниқлаш ва кредитлар бўйича йўқотишлар учун (ҳисобдан чиқариш ёки резервлар шакллантириш) қайси усулнинг қулайлиги; кредитлар бўйича йўқотишларни солиққа тортиш ва тартибга солиш ўртасидаги тўлиқ ёки қисман мувофиқлик; кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун резервларга солиқ чегирмаларининг қўлланишида чекловлар ўрнатилиши муҳим ҳисобланади.

12. Банкларнинг халқаро солиқ ставкалари фарқидан умумий солиқ харажатларини камайтириш учун фойдаланаётганлиги тўғрисида бир қатор илмий далиллар мавжуд. ТМБларнинг халқаро солиқ ставкалари фарқидан умумий солиқ харажатларини камайтиришга қаратилган хатти–ҳаракатини тўхтатиш мақсадида, иқтисодчилар томонидан банклар учун мамлакатлар бўйича оммавий ҳисоботларни жорий қилиш (The introduction of public country-by-country reporting–CbCR) ва жамоатчиликка тақдим этиш тавсия этилган. Шунингдек, банклар молиявий ҳисоботининг шаффофлигини ошириш банклар томонидан қабул қилинадиган ҳаддан зиёд юқори

рискларни камайтиради ва инвесторлар ҳамда банк менежерлари манфаатларини мувофиқлаштиради.

13. Банклар фаолиятини солиққа тортишга макропруденциал тартибга солиш сифатида қараш ва банк секторида юзага келадиган тизимли рискларни компенсация қилиш ва йўқотишларнинг қопланиш харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширмаслик мақсадида, молиявий солиқларни жорий қилиш эҳтиёжи юзага келган.

14. Банк секторидаги ортиқча даромаднинг солиққа айланишини ва солиқ юкини истеъмолчиларга ўтказилиш эҳтимоллигини камайтирувчи МФСни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Банкларнинг қарз мажбуриятларига нисбатан (кафолатган депозитлардан ташқари) банк йиғимини табақалаштирилган ставкаларини жорий қилиш ва леверажни камайтиришга таъсири самарасини таъминлашда оптимал даражада фойда солиғи ставкасини пасайтириш талаб қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.03/30.12.2019.I.17.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**БАНКОВСКО-ФИНАНСОВАЯ АКАДЕМИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АБДУЛЛАЕВ ЗАФАРЖОН АЛИЖОНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ**

**08.00.07 – Финансы, денежное обращение и кредит**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора экономических наук (Doctor of Science)**

**город Ташкент – 2021 год**

Тема диссертации доктора наук (Doctor of Science) зарегистрирована под номером В2020.2.DSc/Iqt233 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tfi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** **Тошматов Шухрат Амонович**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Жураев Абдугаффар Сафарович**  
доктор экономических наук, профессор

**Ташмурадова Бувсара Эгамовна**  
доктор экономических наук, профессор

**Исламкулов Алимназар Худжамуратович**  
доктор экономических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Самаркандский институт экономики и сервиса**

Защита диссертации состоится в 14<sup>00</sup> часов 26 08 2021 г. на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.I.17.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском финансовом институте. Адрес: 100000, город Ташкент, ул. А. Темура, д. 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (зарегистрирована под номером 202). Адрес: 100000, город Ташкент, ул. А. Темура, д. 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Автореферат диссертации разослан «12» 08 2021 года.  
(реестр протокола рассылки №29 от «12» 08 2021 года.



**Т.З. Тешабаев**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

**Н.Н. Каландарова**  
Секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по экономическим наукам (PhD)

**И.Н. Кузиев**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Согласно опыту развитых стран мира, совершенствование налоговой системы является важным фактором для обеспечения стабильности коммерческих банков и повышения инвестиционной активности. Это требует оптимизации налогообложения банков, а также регулирования и координации налогообложения при реализации макропруденциальной политики. В частности, в большинстве развитых и развивающихся стран, в частности в странах Европейского союза, Великобритании, Японии, Сингапуре, Китае, России и в ряде других стран, с целью сокращения финансирования излишней задолженности в системе корпоративного налогообложения и противодействия негативному влиянию налоговых вычетов на проценты по долгу, применяются правила в отношении недостаточной капитализации. «Следовательно, налоги могут быть дополнительным инструментом для требований к капиталу по уменьшению заемного капитала банков при сохранении предложения кредитов»<sup>1</sup>. В развитых странах при совершенствовании налоговой системы особое внимание уделяется макропруденциальному регулированию банковского сектора.

В мировой практике глобальными международными финансовыми институтами, научно-исследовательскими центрами и развитыми странами осуществляется множество исследований по оптимизации налогообложения деятельности коммерческих банков и регулированию их деятельности посредством налогов. Факт того, что в данных научно-исследовательских работах не было предложено полное решение таких проблем, как внедрение системы налоговых вычетов для платежей за корпоративный собственный капитал для снижения корпоративной налоговой дискриминации, эмпирическая оценка влияния налогов на деятельность коммерческих банков, дополнение макропруденциального регулирования, направленного на снижение системных рисков в банковском секторе, с помощью фискальных инструментов, анализ макроэкономического воздействия налогообложения на банки, внедрение схем налогообложения рисков, транзакций и маржи в перспективе, обуславливает необходимость проведения научных исследований по данному направлению.

Налоговые реформы, осуществляемые в Узбекистане, нацелены на осуществление комплекса мер, направленных на совершенствование налоговой политики, повышение эффективности налогового администрирования, постепенное снижение налогового бремени, упрощение налоговой системы и значительное сокращение налоговой отчетности. В частности, «Начиная с 2020 года каждый банк будет реализовывать масштабную программу трансформации. В связи с этим в центре нашего особого внимания будет увеличение капитала, ресурсной базы и доходов

---

<sup>1</sup>Celierier Claire, Thomas Kick, Steven Ongena (2018). Taxing Bank Leverage: The Effects on Bank Capital Structure, Credit Supply and Risk-Taking. <https://pdfs.semanticscholar.org>.

наших банков»<sup>2</sup>. При всесторонней реализации данных реформ актуальными являются вопросы оптимизации налогообложения и налогового регулирования коммерческих банков. Это, в свою очередь, требует проведения масштабных исследований по совершенствованию методологии налогообложения коммерческих банков, в частности, по снижению существующих дисбалансов в налогообложении и существующих проблем в использовании налоговых инструментов при реализации макропруденциальной политики. В связи с этим приоритетными задачами были определены оптимизация налогообложения и координация налогового регулирования деятельности коммерческих банков.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5116 «О мерах по коренному совершенствованию налогового администрирования, увеличению собираемости налогов и других обязательных платежей» от 18 июля 2017 года, №УП-5468 «О концепции совершенствования налоговой политики Республики Узбекистан» от 29 июня 2018 года, №УП-5755 «О мерах по дальнейшему упорядочению предоставления налоговых и таможенных льгот» от 27 июня 2019 года, №УП-5992 «О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020-2025 годы» от 12 мая 2020 года, постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3756 «О мерах по кардинальному совершенствованию порядка предоставления льгот и преференций» от 31 мая 2018 года, № ПП-4389 «О дополнительных мерах по совершенствованию налогового администрирования» от 10 июля 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах, имеющих отношение к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий I. «Духовное, нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>3</sup>.**

---

<sup>2</sup> Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева к Олий Мажлису. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>.

<sup>3</sup>IMF (2010). A Fair and Substantial Contribution by the Financial Sector. Final Report for the G-20. <https://www.imf.org.>; World Bank (1999). Determinants of commercial bank interest margins and profitability:some international evidence.13, 379-408.; OECD. (2013). Revenue statistics <https://b-ok.global.>; FSB (2014). Adequacy of loss-Absorbing capacity of global systemically important banks in resolution. Accessed via [www.financialstabilityboard.org.](http://www.financialstabilityboard.org.); EC (2010). Financial sector taxation. Taxation Papers, 25, Brussels: Directorate General Taxation and Customs Union, European Commission.; EEAG (2011). «Taxation and Regulation of the Financial Sector», The EEAG Report on the European Economy, CESifo, Munich.;PWC (2006). Economic effects of the VAT exemption for financial and insurance services, Report to the European Commission,Tax Reform on Thin Capitalization Rule. Gets Vol. 30.P.1.;CEPR (2017). "The effects of tax on bank liability structure," Discussion Papers.; PCBS. (2013). Changing banks for good. Technical report. London: Parliamentary Commission on Banking Standards.;NBER(2007).Optimal Capital Income Taxation. Working Paper./www.nber.org.; UFAE and IAE (2002). «Taxation of banks: A theoretical framework», Working Papers.; CEPII research center (2013). "The Ability of

Исследования по совершенствованию методологии налогообложения деятельности коммерческих банков проводят ведущие мировые исследовательские центры, высшие учебные заведения, а также международные финансовые институты, в том числе, International Monetary Fund (IMF), World bank, OECD, Financial Stability Board (FSB), European Commission (EC), European Economic Advisory Group (EEAG), PricewaterhouseCoopers (PwC), Center for Economic and Policy Research (CEPR) Parliamentary Commissioner for Standards (PCBS), National Bureau of Economic Research (NBER), Unitat de Fonaments de l'Anàlisi Econòmica (UAB), Institut d'Anàlisi Econòmica (CSIC), CEPR research center, HM Treasury (Великобритания), Centre d'Economie de la Sorbonne (Франция), Princeton University (США), Oxford University (Великобритания), Research and Monetary Policy Department (Турция).

